

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КАЗАКОВ АЗИЗ НИГМАНОВИЧ

**ОЛТИН РУДАЛИ КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ
ОЛИШДАГИ ДИНАМИК КЎРИНИШДА СОДИР БЎЛАДИГАН КОН
БОСИМИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

04.00.09 – Маркшейдерия

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Казаков Азиз Нигманович

Олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги динамик
кўринишда содир бўладиган кон босимини тадқиқ қилиш.....3

Казаков Азиз Нигманович

Исследование проявления горного давления в динамической форме при
подземной разработке золоторудных месторождений.....23

Kazakov Aziz Nigmanovich

Study the manifestations of rock pressure in dynamic form with underground
mining of gold deposits.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....46

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КАЗАКОВ АЗИЗ НИГМАНОВИЧ

**ОЛТИН РУДАЛИ КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШДАГИ
ДИНАМИК КЎРИНИШДА СОДИР БЎЛАДИГАН КОН БОСИМИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

04.00.09 – Маркшейдерия

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т264 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сайидқосимов Сайиджаббор Сайидқосимович техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Нурпеисова Маржан Байсановна техника фанлари доктори, профессор Жўраев Даврон Окназарович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	«Ўзбекистон геотехнология ва рангли металлургия илмий-тадқиқот ва қидирув лойиҳалаш институти» ДУК

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.06.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz.

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-уй. Тел.: 0 (436) 223-56-90; факс: 0 (436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

К.С. Санакулов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д, профессор

Ш.Ш. Заиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Ю.Д. Норов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кончилик соҳасининг замонавий тараққиёти, геомеханик ва геодинамик таваккалчилик шароитида, катта чуқурликларда жойлашган мураккаб тузилмалар фойдали қазилма конларини (ФҚК) қазиб олиш билан бевосита боғлиқ. Айнан ФҚКни ер ости усулида катта чуқурликда қазиб олиш жараёнида кон босимини динамик кўринишда пайдо бўлиши туфайли кон зарбаси хавфи туғилади. Кон зарбаси хавфи мавжуд бўлган шароитда кончилик ишларини олиб бориш ва кон зарбасига қарши курашиш 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлишига қарамаздан жараёнга тегишли кўпгина муҳим масалалар ўз ечимини топмаганлиги қазиб олинмаган кон массивидаги мавжуд кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг (КДХ) мураккаб тавсифга эга эканлигига боғлиқ бўлиб, унинг шаклланишида кўп сонли ҳисобга олиниши мураккаб бўлган табиий ва техноген омиллар таъсири сабаб бўлади. Кон босимини самарали бошқариш учун муайян руда майдони ҳудудида фойдали қазилмани қазиб олиш шароити ва геодинамик хусусиятларини тўлиқ инобатга олувчи тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини назорат қилиш, баҳолаш усул ва воситаларни кўллаш муҳим илмий техник вазифадир.

Бугунги кунда рудниклардаги кончилик ишлари кон массивидаги геомеханик ва геодинамик жараёнлар етарлича ўрганилмаган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, кон босимининг турли кўринишларда пайдо бўлиши туфайли конларни ўзлаштиришнинг техник иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир этувчи омилларни ҳисобга оладиган комплекс баҳолаш усули ишлаб чиқилмаган, шунинг учун ҳам, сейсмофаол зоналарда кончилик ишларини олиб боришнинг геомеханик шароити мураккаб ва серқирралигини инобатга олган ҳолда, тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланишини комплекс баҳолаш ва фойдали қазилма участкаларининг кон зарбасига мойиллигини прогноз қилиш ишлаб чиқаришнинг долзарб илмий-амалий муаммоси ҳисобланади.

Республикада кончилик саноатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тоғ жинслари массивидаги табиий кучланиш ҳолатини геодинамик районлаштириш, тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини физик моделлаштириш ва тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш параметрларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш бўйича юқори ютуқларга эришилмоқда. Шу жумладан, олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги динамик кўринишда содир бўладиган кон босимини тадқиқ қилиш зарур масалалардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ва меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича вазифалари белгиланган. Бу борада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги динамик кўринишда содир бўладиган кон босимини тадқиқ қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини баҳолаш, усул ва воситаларни яратиш ва қўллаш борасида Ардашев К.А., Ахматов В.И., Катков Г.А., Влох Н.Н., Рассказов И.Ю., Курсакин Г.А., Грицко Г.И., Кулаков Г.И., Кораблев А.А., Кузнецов Г.Н., Филатов Н.А., Шемякин Е.И., Анцыферов М.С., Анцыферова Н.Г., Каган Я.Я., Болотин Ю.И., Герман В.И., Мансуров В.А., Глушка В.Т., Ямщиков В.С., Ясанский А.А., Турчанинов И.А., Панин В.И., Ривкин И.Д., Запольский В.П., Богданов П.А., Зубков А.В., Курленя М.В., Серяков В.М., Еременко А.А., Оловянный А.Г., Линьков А.М., Сидиров В.С., Фадеев А.Б., Рахимов В.Р., Батугина И.М., Петухов И.М., Williams I., Szwedzicki T., Rossouw P.A., Fourie G.A., Zhang L, Einstein H.H., Tyler W.D., Keskimaki K.M., Stewart D.S., Mawdesley C., Trueman R. Whiten W., Laubscher D.H., La Pointe P.R., Eadie B., Diering T., Butcher R.J. каби ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшганлар.

Тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолати ва кон зарбасига мойиллигини баҳолаш учун қатор усуллар қўлланилади: геомеханик усуллар, улардан энг асосийси бу керннинг дискаланиш усули бўлиб, у таянч усул сифатида тавсия этилади; геофизик усуллар, кон зарбаси хавфини баҳолаш ва назорат қилиш учун истиқболли ҳисобланади; геолого-структуравий усуллар, кучланиш майдонларининг параметрлари тўғрисида энг ишончли ва қимматли информацияни олиш имконини беради.

Кон зарбаси хавфини назорат қилиш ва тоғ жинслари массивидаги кучланишни ўлчаш ва баҳолаш усулларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кончилик геомеханикасининг кўпгина масалаларини бевосита коннинг ўзида олиб бориладиган тадқиқотлар натижасида ечиш мушкул. Кон зарбасини назарий тадқиқ қилиш ва геомеханика масалаларининг мувоффақиятли ечимини топиш учун сўнгги йилларда рақамли усуллардан, шу жумладан чекли элементлар усулидан (ЧЭУ) кенг фойдаланилмоқда. Ушбу усуллардан фойдали қазилма конларини қазиб олиш тизимлари ва кончиликнинг муҳим

иншоотлари унсурларининг устуворлигини ҳисоблаш, кончилик ишларининг салбий таъсири туфайли пайдо бўладиган техноген кучланиш майдонларини моделлаштиришда кенг қўлланилмоқда.

Кон зарбаси муаммоларига бағишлаб эълон қилинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўпгина муҳим масалалар ҳанузгача ўз ечимини топмаган, қазиб олинадиган тоғ жинслари массивидаги кучланиш-деформацияланиш ҳолати мураккаб тавсифга эга бўлиб, уларнинг шаклланишида турли хил ҳисобга олиниши қийин бўлган табиий ва техноген омиллар иштирок этганлигидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ илмий-тадқиқот режасининг «Олтин рудали конларни қазиб олувчи корхоналарда техноген ҳалокатлар (кон зарбаси) манбасининг шаклланиши ва содир бўлиш қонуниятларини тадқиқ қилиш» (2010-2013 йй.) ва «Кочбулоқ конидаги кон зарбаси манбаларининг табиати ва пайдо бўлиш қонуниятларини тадқиқ қилиш» (2010-2013 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кончилик ишларини лойиҳалаш босқичида тоғ жинслари массивининг кон зарбасига мойиллигини прогноз қилишнинг комплекс усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кон зарбасига мойил бўлган конлардаги руда ва тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш;
тоғ жинслари массивидаги табиий кучланиш ҳолатини геодинамик районлаштириш усулида баҳолаш;

тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини физик моделлаштириш негизида баҳолаш;

олтин рудали конлар зонасидаги тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш параметрларини экспериментал тадқиқ қилиш;

геомеханик ва геодинамик характеристикаларнинг тўпламини инобатга олган ҳолда, тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланишининг математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида геологик муҳит, Кочбулоқ ва Қизиллма олтин рудали конлар участкаларидаги тоғ жинслари массиви ҳамда кончилик ишларини олиб бориш натижасида ўзгариб турадиган кучланиш ва деформацияланиш ҳолатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тоғ жинслари массивидаги табиий кучланиш ҳолати ва унинг кон босимини динамик кўринишида содир бўлишига таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда тадқиқотнинг комплекс усулидан фойдаланилган бўлиб, назарий умумлаштириш, тажриба ва саноат миқёсидаги тадқиқотлар, чекли элементлар усулидан фойдаланилган ҳолда математик моделлаштириш қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кончилик ишларини лойиҳалаш ва олиб боришдан аввал априор шароитда коннинг кон зарбасига мойиллигини баҳолаш мақсадида блокли структуралардаги тектоник кучланиш майдонини аниқлашнинг структуравий-тектонофизик усули ишлаб чиқилган;

олтин рудали конларнинг дарзлилиқ структурасига тегишли тоғ жинслари массивидаги кучланиш-деформацияланиш ҳолатини аниқлашнинг анъанавий усулларида фойдаланилган ва улардан бири «шелли холислантириш» усули мазкур шароит учун такомиллаштирилган;

олтин рудали конлар зонасидаги участкаларда кон зарбаси учун бехатар бўлган технологияларни қўллашнинг самарали чекли чуқурлиги аниқланган;

чекли элементлар усулини қўллаб, тоғ жинслари массивидаги кучланиш ҳолатини баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистондаги ҳаракатдаги конларнинг тоғ жинслари массивига тегишли мураккаб кучланиш майдонлари кон массивининг блокли тектоник тузилмаси таъсирида шаклланганлиги исботланган;

юқори даражали горизонтал тектоник кучланиш ва уларнинг векторлари ориентациясининг таъсирини баҳолаш усули ишлаб чиқилган ва сеймотектоник фаол ҳудудлардаги олтин рудали конларнинг қазиб олинаётган участкалари кон зарбаси хавфи бўлган зоналарининг шаклланишида етакчи роль ўйнашлиги кўрсатиб берилган;

тектоник блоklar чегарасидаги юқори кучланиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда геодинамик районлаштириш негизида ер ости бойликларини ўзлаштиришдаги геодинамик усули ишлаб чиқилган;

математик моделлаштириш негизида кон участкаларида кон босимига мойиллигини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий тадқиқотларнинг етарлича ҳажми билан исботланган бўлиб, шу жумладан, олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги катта чуқурликларда кончилик ишларини олиб боришда содир бўладиган хавфли геомеханик ва геодинамик жараёнларнинг пайдо бўлишлигини эҳтимолий баҳоланганлиги билан; кўп жинсли кон массивидаги табиий кучланиш майдонлари ва кучланиш-деформацияланиш ҳолатини шаклланиш қонуниятини баҳолаш билан; кончилик ишлари олиб бориладиган ҳудудларда тоғ жинслари массиви устувор бўлмаган участкаларнинг ҳолатини прогнози ва кон лаҳимлари конструкциясини бузилиши, кўчки, тоғ жинсларини тўсатдан қулаб тушишига олиб келувчи кон босимини салбий кўринишида пайдо бўлишига қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини асослаш билан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтин рудали конлар участкаларидаги тоғ жинслари массивида кон зарбаси учун хавфли бўлган зоналарни шаклланишида ҳаракатдаги тектоник кучланишларнинг роли етакчи эканлиги исботланганлиги ва сеймотектоник фаол зоналардаги олтин

рудали конларнинг кон зарбаси учун хавфлилик даражасини прогноз қилишнинг комплекс усулини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ жинслари массивининг дарзлилик структураларига нисбатан «шелли холислантириш» усулида кон босимини ўлчаш усули такомиллаштирилганлигидан ва ер қаъридаги тектоник блоklarда кучланиш майдонининг шаклланиши қонуниятларини ўрганиш негизида тоғ жинслари массивининг геомеханик ва геодинамик ҳолатини баҳолаш усулларини қўлланилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги динамик кўринишда содир бўладиган кон босимини тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

олтин рудали конларда кон босимини хавфли кўринишда пайдо бўлиши ва кучланиш-деформацияланиш ҳолатини баҳолаш усуллари «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ Ангрен кон бошқармаси Қизилолма ва Кочбулоқ кончилик корхоналарида жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 10 апрелдаги ОУ-04151-сон маълумотномаси). Натижада кончилик ишларини беҳатар олиб бориш, ер ости муҳандислик иншоотларининг устуворлигини сақлаш, ер ости транспорти, машина ва кон машиналарнинг тўхтовсиз ишини таъминлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган тоғ жинслари массивининг кон зарбасига мойиллигини прогноз қилишнинг комплекс усули «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ Ангрен кон бошқармаси Қизилолма ва Кочбулоқ кончилик корхоналарида жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 10 апрелдаги ОУ-04151-сон маълумотномаси). Натижада бир йилда ҳар бир рудникдаги кон лаҳимларининг мустаҳкамлигини 21,5% таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та республика миқёсида ҳамда 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иши чоп этилган, шулардан, 1 та Ўзбекистон Республикаси патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақолалар, жумладан 15 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Кон босимини динамик ҳолда намоён бўлиши бўйича библиографик адабиётлар мониторинги» деб номланган биринчи бобда кон босимини динамик ҳолда намоён бўлишига таъсир этувчи омиллар ва шароитлар таҳлили келтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ер қаърининг юқори зоналаридаги кучланиш ҳолати тўғрисидаги тасаввурни ривожлантиришни табиий ва техноген омилларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда тоғ жинслари моделларидан фойдаланиш билан боғлиқдир. Ер қаъри юқори қисмидаги табиий кучланишларни ўрганиш шуни кўрсатдики, экспериментал усуллар билан ўлчанган тоғ жинслари массивидаги кучланиш назариядан кескин фарқ қилади. Бир хил чуқурликда жойлашган ҳар қил участкалардаги кучланишлар ҳам йўналиши, ҳам миқдори билан фарқланади. Айниқса бу фарқланиш горизонтал кучланишлар кўрсаткичларида яққол сезилади. Марказий Осиё худудидаги ер қаъри табиий кучланиш ҳолатининг тадқиқи натижалари ҳам ҳар қил участкалардаги кучланишлар бир-бирига ўхшамаслигини кўрсатди. Бу айниқса уларнинг ташкил этувчилари бўлмиш кучланиш векторлари йўналишларининг замон ва макон ўлчов қонуниятларининг ўзгаришида кескин намоён бўлди. Сейсмотектоник фаол тавсифга эга бўлган худудларда тоғ жинслари массивидаги кучланишлар сезиларли трансформацияга эга бўладилар.

С.Г. Авершин, Ш.М. Айтиалиев, И.Т. Айтматов, Ж.С. Ержанов, С.А. Батугин, Н.С. Булычев, Н.П. Влох, Д.М. Казикаев, К.Ч. Кожоголов, М.В. Курленя, Г.А. Марков, И.М. Петухов, М.М. Протодьяконов, К.В. Руппенейт, В.Р. Рахимов, С.С. Саййидқосимов, Н. Хаст, Н.Г. Ялымов ва бошқаларнинг илмий ишлари кон босимининг пайдо бўлиш қонуниятларини ўрганиш ва кон массивининг ҳолатини тадқиқига бағишланган.

Тоғ жинслари массивидаги кучланишни назарий ва амалий ўрганишга И.Т. Айтматов, В.И. Борщ-Компаниец, Г.Н. Кузнецов, М.В. Курленя, Г.А. Марков, И.М. Петухов, И.А.Турчанинов, В.С. Ямщикнов, В.Н. Гусев, М.Б. Нурпеисова ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Конларни геодинамик районлаштириш (И.М. Батугина ва И.М. Петухов) усули хилма-хил илмий мактаблар ютуқларини бирлаштирди. Унинг ривожига ТошДТУ геомеханиклар мактабининг ҳам хиссаси бор. Тоғ жинслари массивининг блокларга бўлинганлигини аниқлашда геодинамик районлаштириш усули ҳал қилувчи рол ўйнади.

Диссертациянинг «Қизилолма ва Кочбулоқ конларини геологик, геомеханик ва геодинамик характеристикалари» деб номланган иккинчи бобида Қизилолма ва Кочбулоқ конлари массивининг дарздорлиги ва тузилиш хусусияти, тоғ жинсларининг физик-механик ва кон геологик хоссалари таҳлил қилинган.

Кон массивида кон босимини пайдо бўлишига олиб келувчи асосий омилларга тоғ жинсларининг физик-механик хоссалари, улардаги дарзликлар, кон массивининг тузилиш хусусиятлари, худуд сейсмо тектоникаси, кончилик ишларида олиб бориладиган чуқурлик ва бошқалар киради.

Кон босими содир бўлишига мойил фойдали қазилма конларида тоғ жинсларининг физик-механик хоссаларининг роли кескин ошади. Қизилолма ва Кочбулоқ конларига тегишли асосий тоғ жинсларининг физик-механик хоссаларини тадқиқи натижалари шуни кўрсатдики, руда аралашган тоғ жинслари энг қаттиқ жинс бўлиб, (171,6 МПа), руда аралашмаган атроф тоғ жинсларининг бир ўқли сиқилиш бўйича қаттиқлиги 65 МПа ни ташкил этади. Уларнинг хоссалари ҳам сезиларли даражада ўзгарувчан эмас.

Таранг деформация ва мўрт парчаланишга мойил тоғ жинслари динамик жараёнлар (кон зарбаси) содир бўлиши учун хавfli ҳисобланади. Кочбулоқ конида бу андезитли ва дацитли порфиритлар, метасоматитлар, сиенит-диоритли порфиритлар, лавабречилар, кварц-серицитли метасоматитлар; Қизилолма конида – сиенит-диоритли порфирлар, кварцланган сланецлар.

Тоғ жинсларининг дарзлилиги кон массивининг асосий геомеханик хоссаларидан бири ҳисобланади. Дарзликлик кон массивини алоҳида участкаларининг мустақамлиги, деформацияланиши, кон зарбаси учун хавfliлигига таъсир кўрсатади.

Мазкур участкаларда 45-80⁰ бурчак остида ётган дарзликлар кўпроқ тарқалганлиги қайд етилган.

Дарзликлар асосий тизимининг йўналиши руда танаси йўналиши билан устма-уст тушади.

Тадқиқотлар натижасида Кочбулоқ кони худудида 4 та йирик дарзликлар тизими ва 3 та майда дарзликлар тизими аниқланган. Биринчи турдаги дарзликлар 17% ни ва иккинчиси 83% ни ташкил этади. Йирик дарзликларнинг узунлиги 3,5 м кенлиги 0,1-0,5 м, дарзликлар орасидаги масофа 20-100 см, нисбий дарзликлик коэффециенти $V=3-5$. Майда дарзликлар унчалик катта бўлмаган чизикли ўлчамга эга.

Қизилолмасой кони шароитида 1-1а номли руда танаси худудида дарзликлар ўрганилган бўлиб, иккита гуруҳга ажратилган 4 та дарзликлар тизими аниқланган. Тектоник характерга эга бўлган йирик дарзликлар ва бўлакларга ажратадиган дарзликлар. Тектоник дарзликлар 1 метрга 5 та дан тўғри келади, жадаллиги юқори бўлмасида, чизикли ўлчамлари сезиларли даражада катта, бўлакларга ажралишга сабабчи дарзликларнинг жадаллиги 1 метрга 25-30 тадан тўғри келади.

Кон массивининг табиий кучланиш ҳолати коннинг зарбага хавfliлик даражасини белгилаб берувчи муҳим геомеханик кўрсаткич ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткич тоғли ҳудудлардаги конлар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Кон босимининг динамик ҳолда намоён бўлиши ва массивнинг таъбий кучланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида конларни алоҳида участкаларида зарбага хавфлилик даражасини прогнозлаш ва массивнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини прогноз қилиш учун тадқиқот ишлари келтирилган.

Кон зарбаси хавфи бўлган конларни ўзлаштириш натижаси шуни кўрсатадики, кон зарбаси кўпинча тектоник фаол ҳудудларда жайлашган конларда содир бўлади, чунки уларда тангенциал кучланиш даражаси юқори. Кон босимини самарали бошқариш учун бундай шароитлар кон массивининг геомеханик ҳолатини баҳолаш усуллари муайян руда майдонларининг геодинамик хусусиятини инобатга олиб ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бунинг учун геодинамик районлаштириш ва тектонофизик усулларда физик, геомеханик, муҳандислик-геологик тузилган моделлар негизида кон массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини прогноз қилиш муҳим.

Қизилолма ва Кочбулоқ рудниклари жойлашган ҳудудларнинг геомеханик ҳолатини баҳолаш мақсадида геодинамик районлаштириш тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолати тўғрисида тўлақонли информация берадиган қуролга айланди. Геодинамик районлаштириш кон геомеханикаси ва маркшейдерлик иши илмий тадқиқот институти ва Москва кончилик институти усулида амалга оширилган. Ҳудуднинг блокли тузилиши 1:2000 ва 1:5000 масштабда топографик харитадан фойдаланиб аниқланган. Кочбулоқ рудниги ҳудудида 88 блок ва уларни чекловчи 64 чегара, Қизилолма рудниги ҳудудида 44 блок ва уларни чекловчи 29 чегара аниқланган. Блоклар чегаралари кўпинча ҳар хил чўзиқликга эга бўлган тектоник разломлардан ўтган. Блоклар ўз конфигурацияси, жойлашган баландлиги ва юзаси бўйича геомеханик тавсифланган.

Қизилолма ва Кочбулоқ конларида ўтказилган геологоразведка ва кон лаҳимлари ҳамда ер сиртида ўлчанган блоклар ва разломлар чегараларининг йўналишлари бўйича гулсимон диаграммалар тузилиб, геодинамик районлаштириш натижаларига киритилган.

Ушбу натижалар Марказий Осиё ҳудудида регионал тектоникани олинган тадқиқи билан солиштирганда кўрилаётган мазкур иккита кондаги блокларнинг ориентировкалари чуқур тектоник тузилмалар азимутлари билан устма-уст тушганлиги аниқланган. Бундан келиб чиқадики, иккала кон ҳам чуқурликдаги разломлар таъсири остида бўлиб, тоғ жинслари массиви тектоник структуралар кучланиш-деформацияланиш таъсирида.

Разлом турлари бўйича блок чегараларининг таҳлили кўрсатдики, надвигли структуралар кўпчилик блок чегаралари учун характерлидир. Ер ости иншоотларининг геомеханик ҳолатини баҳолаш нуқтаи назаридан блок чегаралари ва разломларнинг кесишиш бурчаклари энг хавфли зоналар сирасига киради. Блок чегараларининг кесишган жойлари энг хавфли

ҳисобланиб, унинг таъсир доирасидан ташқарида жойлашган ер ости иншоотлари геомеханик таъсир учун хавфсиз ҳисобланади.

Блоклар чегараси кесишган жойлардаги ер ости кон лаҳимларида 3-5 м интервалда мустаҳкамлагичларнинг бузилиши кузатилган. Жойдаги штолняларда максимал деформацияланган зоналар учраган ва кон лаҳими ноустуворлиги сабабли кон лаҳимларини қазиб ўтишга мажбур бўлинган.

Тик қияланиб жойлашган олтин рудали конларнинг алоҳида участкалари учун кон зарбасининг хавфлилик даражасини разведка босқичида ва чуқур жойлашган горизонтларда кончилик ишларини олиб боришдан аввал прогноз қилиш учун оптик-поляризацион моделлаштириш усули маъқул ҳисобланади.

Қизилолма ва Кочбулоқ конларининг кон зарбасига хавфлилигини прогноз қилиш мақсадида Минерал ресурслар институтининг фотомеханик усулда моделлаштириш натижаларидан фойдаланилган бўлиб, улар руда майдонларининг табиий геомеханик ҳолатини баҳолашга мослаштирилган.

Моделлаштириш 1:1000 ва 1:25000 масштабдаги тектоник хариталар асосида амалга оширилган ва асосий усул сифатида руда майдони тектоник ҳолатини белгиловчи узилмалар чегаралаган блок қабул қилинган.

Кочбулоқ руда майдони структурасини моделлаштириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, моделдаги тектоник кучланиш τ нейтрал ҳолатдаги максимал ($\sigma_{\max}=20$ г/см²) қийматгача ўзгариб боради. Қизилолма руда майдонида кучланишнинг тақсимооти баллар ўзгарувчанлиги билан баҳоланиб, $\tau_{\min}=5,5$ г/см² дан $\tau_{\max}=31,0$ г/см² гачани ташкил этади. Қизилолма руда майдони учун максимал уринма кучланишга эга бўлган участкалар бу разломларнинг қовушган ва кесишган жойлари ҳисобланади.

Қизилолма ва Кочбулоқ конлари структураларидаги тектоник кучланишларнинг тақсимооти шуни кўрсатадики тоғ жинслари массивидаги тектоник майдон кучланиши табиий жойлашиш ҳолати билан боғлиқ.

Юқори тектоник кучланиш концентрациясига эга бўлган блоклар ва участкалар чегарасини кончилик ишлари планларига ўтказиш орқали қазииш ишлари бошланмасдан туриб, максимал кучланиш йиғилиб қолган участкаларни аниқлаш имконини берди.

Шундай қилиб, Қизилолма ва Кочбулоқ конларидаги структураси хилма-хил бўлган массивлардаги табиий кучланиш ҳолати майдонининг шаклланиш механизми аниқланди.

Диссертациянинг «**Қизилолма ва Кочбулоқ конларининг кон зарбасига мойиллигини шахта шароитида тадқиқот ишлари билан баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида Қизилолма ва Кочбулоқ рудникларида массивининг кучланганлик, деформацияланганлик ҳолатини математик моделлаштириш ва зарбага хавфлиликни баҳолаш, тоғ жинслар массивининг таъбиий кучланганлик ҳолатини тажрибалар ўтказиш ёрдамида тадқиқ қилиш келтирилган.

Кочбулоқ конида тоғ жинсларининг кон зарбасига мойиллигини баҳолаш учун кернларни дискланиш усули қўлланилиб, 7 м, 5 м ва 2,5 м

узунликдаги диаметри 59 мм учта бурғикудук 880 м горизонтдаги лаҳимларда қазилган.

Бурғикудукдан бурғиланиб чиқариладиган керндаги диск қалинлиги t ўқ ва радиал кучланишлар нисбати $\sigma_{сж}/\sigma_p$ ўзгармас бўлганда максимал радиал кучланиш σ_{p1} миқдорига боғлиқ.

Қазилган бурғикудукдан олинган керн дискининг қалинлиги шохчалари юқорига қаралган порабола кўринишидаги қонуниятга эга. Бурғикудук бўғзидан минимал қалинликка эга бўлган диск ўртасигача бўлган масофа максимал таянч босим зонасигача бўлган масофага тенг бўлади (1а-расм).

Максимал таянч босим зонасининг ўрни тоғ жинсларининг хилма-хил мустаҳкамлик хоссалари учун $\sigma_{p1}/\sigma_{сж}$ нинг энг катта қиймати бўйича диск қалинлиги ва мустаҳкамлигини инобатга олган ҳолда ўрнатилади ва аниқланади:

$$\sqrt{d/t_{cp}} = (0,54 + 0,1\sqrt{d}) + (0,78 + 0,165\sqrt{d})(\sigma_{p1} / \sigma_{сж}). \quad (1)$$


Кон массининг кон зарбаси учун хавфлилиги бир неча бурғикудукларда керн дискланиши бўйича таянч босим максимум зонасида қалинлиги t минимал бўлган бурғикудук учун ҳам аниқланган.

Кон массивининг кон зарбаси бўйича хавфлилик даражаси минимал қалинликка эга бўлган битта бурғикудук бўйича прогноз қилинган.

Тоғ жинслари бузилган зоналарда x_2 керн дискланмайди.

Керннинг дискланиш бошланган зона x_2 ва x_1 зоналар орасидаги чегарани белгилаб беради. t_{cp}/d , x_1 ва x_2 параметрлар бўйича кон массиви участкасининг кон зарбаси бўйича хавфлилик тоифаси аниқланади (1а-расм).

Шуни айтиш керакки, кернни дискланиш усули таянч усул ҳисобланади. Кон зарбасининг содир бўлишини баҳолайдиган мавжуд ва янги қўланиладиган усуллар ҳамда мезонлар мослик бўйича таянч усул билан таққосланиши шарт ва зарур ҳисобланади. Ҳар бир кон учун t_{cp}/d нинг минимал нисбати $t=35$ мм ва $d=59$ мм бўлганда 0,6 га тенг бўлади (1б-расм). Бу ерда t – диск қалинлиги ва d – бурғи қудук диаметри.



1 – керннинг дискланиш бўлмаган кон лаҳими контури яқинидаги парчаланган тоғ жинслари ҳимоя зонаси; 2 – керннинг дискаланиши кузатилган зона; 3 – назорат бурғикудуғи


1а-расм. Кон лаҳими контуридан керннинг дискаланганига мавжуд максимал кучланиш жойлашган чуқурликни аниқлаш

Формулага асосан (1) $\sigma_{p1}=21,3$ МПа бўлади, қачонки, $\sigma_{p1}/\sigma_{сж}= 0,17$, $\sigma_{сж}=120$ МПа бўлса (1б-расм).


Шундай қилиб, тоғ жинсларининг кон зарбаси бўйича хавфлилик даражаси кўрсаткичлари: $t_{cp}/d=0,6$, $\sigma_{гор}/\sigma_{сж}=0,17$, $x_1/(h+2x_2)=0.33$, 880 м отметкадаги горизонтгача зарба хавфи йўқлигидан далолат беради. Демак, Кочбулоқ конининг 880 м отметкадаги горизонтгача кончилик ишлари кон зарбаси бўйича хавфсиз тоифага киради.

Рудниклардаги кон босимини динамик кўринишида содир бўлиш омилларининг таъсири ва шароитларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кон зарбаси хавфи ва бошқа динамик жараёнларга мойил ҳолатлар портлатиш ишларидан кейин, одатда қаттиқ тоғ жинсларидан ташкил топган участкаларда пайдо бўлади. Кочбулоқ рудники шароитида портлатиш ишларининг салбий таъсирини тоғ жинсларининг сейсмоакустик фаоллигига таъсирини аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди ва аниқ бўлдики, портлатиш ишларининг сейсмик таъсири кон босимини динамик кўриниши пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатади.

Экспериментал участка сифатида 930 м отметкадаги горизонтда жойлашган 30-руда танасига тегишли 30-6 блок танланиб рудани портлатиш йўли билан қазиб олишдаги таъсир ўрганилди. Блокда кончилик ишлари рудани магазинлаб қазиб олиш тизимида олиб борилган. Унинг узунлиги 50 м, руда қалинлиги 1 м, ер сиртидан жойлашиш чуқурлиги 285 м.



1б-расм. Кернинг дискланиш бўйича кон массиви участкасининг кон зарбасига хавфлилигини аниқлаш учун номограмма




1в-расм. Кон массиви кучланиш ҳолатининг кон зарбасига хавфлилигининг вертикал ташкил этувчисини аниқлаш номограммаси

Кон массивининг акустик эмиссиясини ўлчаш учун «Прогноз-1» сейсмоакустик асбоб ва АЭР акустик эмиссия импульсларини регистратори қўлланилган бўлиб, кон зарбасини тезкор прогноз қилиш масаласи ҳал этилган. Кон массивидаги акустик эмиссия руда қазиб олинадиган кон лаҳимларида ўлчанган. Ўлчаш ишлари блокнинг учта нуқтасида: блок ичида, блок устида ва блок остида бажарилган. Унинг ўзгариш графиги 2-расмда келтирилган.

2-расмдан кўришиб турибдики, кон массивидаги акустик эмиссия уч хил ўзига хос эгри чизиқ билан ифодаланган. Блок устидаги массив учун акустик эмиссия аввалига заиф ўзгаришга эга бўлиб кейин рудани қазиб олиш баландлиги 40 ва ундан ошганда кескин ўзгаради. Бу ўз навбатида қолдирилган ҳимоя целикига бўлган портлатиш ишларининг салбий

таъсирдан далолат беради. Блок массивига σ_2 – нинг камайиши ҳисобига уринма кучланишининг ўсишидан келиб чиқиб, унинг юқори қисмида акустик эмиссия ошади.

$$\tau = f(\sigma_1 - \sigma_2). \quad (2)$$



2-расм. 930 м горизонтдаги В30-6 блокда кон массивидаги акустик эмиссия характеристикаси

Блокнинг пастки томонида $\sigma_1 + \sigma_2$ бўлганлиги сабабли акустик эмиссиянинг ўзгача кўринишга эга бўлиб, импульслар, юкнинг ошганлиги ва портлатилган руда массасининг ошгани сари кескин ўзгармайди.

Шундай қилиб, 36-46 м қазиб олиш интервали энг кучланган участка ҳисобланади. Айнан ушбу баландликга эришганда импульслар сони 5 минут ичида 22-29 тага етади.


Тоғ жинслари массивининг кучланиш деформацияланиш ҳолати шунингдек «шелли холислантириш» усулида ҳам ўрганилди. Усулнинг моҳияти радиуси 0,3 м бўлган шел ҳосил қилиниб, унинг деворларидаги деформация холислантиришдан аввал ва кейин ўлчанади (3-расм). Шел тегислигига перпендикуляр йўналишда таъсир этувчи кучланиш тенг бўлади.

$$\sigma_{\perp} = U_{AB} E \pi \left[8R - \pi \left(1 - K_{H(\perp)} + \mu K_{H(\parallel)} \right) \right], \quad (3)$$


бу ерда U_{AB} – шел ҳосил бўлгандаги A ва B нуқталари орасидаги массив деформацияси, см; E – тоғ жинслари модули, МПа; R – шел радиуси, см; l – A ва B нуқталари орасидаги масофа, см; $K_{H(\perp)}, K_{H(\parallel)}$ – мос равишда шелга нисбатан перпендикуляр ва параллел йўналишлардаги кучланиш концентрацияси, 4-расмдаги графикдан олинади.

Кон зарбаси хавфи бўлган конлардаги кон лаҳимининг ҳолатини баҳолаш учун кон массивининг кучланиш-деформацияланишини аниқлашнинг аналитик, муҳандислик ва экспериментал усуллари қўлланилади.

Мазкур иш доирасида кон зарбасининг хавфли кўринишда пайдо бўлишлигини баҳолашнинг учала усули ҳам қўлланилган.



3-расм. Шелли холислантириш усулида кучланишни аниқлаш схемаси



4-расм. Холислантириш шелининг контур атрофи қисмидаги концентрация K коэффициентининг боғлиқлиги

Мураккаб кон-геологик шароитга эга бўлган кон зарбаси хавфи мавжуд рудали конларни қазиб олишда кон лаҳимларида кучланишни ҳисоблашни ечимини таъминлайдиган кўпгина муҳандислик усуллар мавжуд. Россия фанлар Академияси Урал бўлимига қарашли Кончилик иши институти томонидан таклиф этилган усул кенг тарқалган. Ушбу усулга биноан кон лаҳими контурининг i нуқтасидаги кучланиш қуйидагича аниқланади

$$\sigma_i = \sigma_B K_{Z_i} + \sigma_r K_{X_i}, \quad (4)$$

бу ерда σ_i – кон лаҳими контуридаги i нуқтадаги кучланиш, МПа; σ_B, σ_r – кон массивидаги бирламчи вертикал ва горизонтал кучланишлар, МПа; K_{Z_i}, K_{X_i} – кон лаҳими контуридаги i нуқтада вертикал ва горизонтал кучланишнинг концентрацияси.

σ_B, σ_r нинг қийматларини аналитик усулда ёки жойдаги эксперимент натижасидан аниқлаш мумкин. K_{Z_i} ва K_{X_i} эса маълумотномалардан олинади.

Юқорида қайд этилган усуллар билан Қочбулоқ конининг кончилик ишлари олиб бориладиган учта горизонтида ва Қизилолма конининг иккита горизонтида тоғ жинслари массиви экспериментал тадқиқ қилинган.

Тоғ жинслари массивидаги бирламчи кучланишларни ўлчаш натижаларининг таҳлили қуйидагиларни таъкидлашни тақозо этади:

– конларнинг тоғ жинслари массивида компоненталари тенг бўлмаган кучланиш майдони мавжуд бўлиб, уларда горизонтал сиқувчи кучланиш устувор туради ва уларнинг энг кучлилари субкенглик йўналишига эга;

– кучланиш қиймати маълумотларининг участкаларда тарқалиш қонунияти ҳар хил бўлиб, тоғ жинслари массивининг ҳисобланган кучланиш қийматлари кенг диапазонда сочилган бўлади;

– кон массивидаги кучланишнинг кескин тарқалишига сабаб бу мураккаб тектоник структура, жумладан, дарзликлар ва тектоник бузилишлар билан чегараланган тоғ жинсларининг блоklarга бўлишганлиги ҳамда жойнинг тоғсимон рельефга эгалиги;


– тоғ жинслари массивидаги, амалдаги вертикал кучланиш тоғ жинслари оғирлигидан ҳосил бўлган гравитацион кучланишга γH тенг. Руда танаси бўйлаб йўналган σ_r – горизонтал кучланиш 1,3-1,4 мартаба вертикал кучланишга нисбатан кичик. Руда танасининг ётиқлик чизиғи бўйлаб пайдо бўлган σ_r кучланиш максимал қийматга эга бўлиб, 1,4-1,5 мартаба вертикал кучланишга нисбатан каттароқ.

Кончилик корхонаси шароитида ўтказилган экспериментлар кўрсатдики, кучланиш тензорининг фазовий ориентацияси кўпгина факторларга боғлиқ бўлсада, тектоник кучлар таъсиридаги табиий кучланишнинг йўналиши улар орасида алоҳида ўрин тутди.

Худуддаги мавжуд юқори даражадаги тектоник кучларнинг таъсири остидаги йўналтирилган табиий кучланиш, рудниклардаги тоғ жинслари массивида кучланиш жамланган зоналарни шаклланишида алоҳида роль ўйнайди.

Қизилолма ва Кочбулоқ конлари массивида ўлчанган максимал горизонтал кучланиш азимути Чотқол-Қурама зонасидаги неотектоник кучланишлар йўналиши билан интерполяция хатолиги чегарасида устма-уст тушади.

Тоғ жинслари массивидаги кучланиш-деформацияланиш ҳолатини (КДХ) чекли элементлар усули (ЧЭУ) билан ўрганиш экспериментал маълумотларни назарий билан таққослаш имконини яратди.



5-расм. Штрёк моделининг схемаси

ЧЭУ қўллашда SolidWorks-Cosmos амалий дастурлар пакетидан фойдаланилди. Унинг асосий ғояси дискрет моделдаги тоғ жинслари силжишини чекли сон билан аниқланган бўлакли узлуксиз функция тўпламига асосланган аппроксимациялашдан иборат ва у қуйидагиларни беради:

– z ўқи бўйлаб оғирлик кучи ва тектоник куч массивга таъсири остида бўлганда тегилмаган тоғ жинслари массивидаги горизонтал кучланишни ҳисоблаш формуласи

